ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТ

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО -ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

REPUBLICAN SCINTIFICAL AND TECHNICAL CONFERENCE

TRANSPORT-LOGISTICS: PROBLEMS AND SOLUTION



Термиз-2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО -ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

REPUBLICAN SCINTIFICAL AND TECHNICAL CONFERENCE

TRANSPORT-LOGISTICS: PROBLEMS AND SOLUTION

15- апрел 2021 йил

ТЕРМИЗ-2021

Маъсул муҳаррир: **Ғ.А. Самадов**

Тақризчилар: **И.А. Умбаров**
А.Ў. Қўзиев

“**Транспорт-логистика: муаммо ва ечимлар**” Республика илмий-техник анжумани материаллари тўплами.-Термиз: “ТерДУ НММ” нашриёти, 2021. 326 б.

“Транспорт-логистика: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги ушбу анжумани материалларига Термиз давлат университети, Тошкент давлат транспорт университети, Жиззах политехника институти ҳамда республикамизнинг бошқа олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистрантлар ва талабаларнинг тезислари киритилган.

Мазкур тўпламда транспорт-логистикаси, йўл ҳаракат хавфсизлиги ва уларда интеллектуал тизимларни қўллаш имкониятлари, машинасозлик ва экология, бино ва транспорт иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан самарали фойдаланиш, техника фанлари таълимида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда энергия тежовчи қурилмаларга бағишланган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

Мазкур тўпламга киритилган маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдирлар.

“ТерДУ НММ” нашриёти

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ “ON-LINE” ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТРИНАЖЁРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ташпулатов Б.Б. ўқитувчи, Эшбоева М. Талаба (**ТерДУ**)

“On-line” ўқитиш жараёнида инновацион тринажёрлардан кенг фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепциясини тасдиқлаш” тўғрисида Фармони бунинг яққол мисолидир. Ўқув жараёнларида талабаларнинг замон талаблари асосида билим ва малакага эга бўлишларида ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан, айниқса “on-line” тринажёрда, мультимедиали ўқув курсларидан электрон кўринишда фойдаланишлари янада юқори самара беради. Тринажёр-бу аниқ бир маҳсулот сифатида мужассамлашган график, аудио-мусиқа, видео-расмлар, анимациялардир. Ахборот-коммуникацион технологияларни таълим жараёнига қўллаш кўп жиҳатдан профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти ва замонавий ахборот тизимларидан фойдалана олиш малакалари билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Ўқув жараёнларида ўқитувчилар янги ахборот коммуникация технологияларини ўрганиб, ўзларининг иш фаолиятларида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларни қўллай белишлари, уларни ишлатиш кўникмалари ва малакаларини такомиллаштириб боришлари керак. Педагог кадрлар талабаларнинг билим олиш жараёнида мультимедиа технологиялари асосида ташкил этилган видео лавҳалар, анимацион моделлар, компьютерли лаборатория ва амалиётларидан фойдаланиши ўзининг ижобий самарасини беради.



Масалан: “Транспорт воситаларининг конструкциялари” фанидан амалий машғулотларни бажариш учун “on-line” тринажёрда янги материалларни мустақил равишда ўзлаштиришда фойдаланиши тавсия этилади. Талабалар маълум бўлим (модуль) ёки мавзуларни мустақил равишда ўрганиш





топшириғини оладилар. “On-line” тринажёрда талабалар асосий маълумотлар, мавзу юзасидан асосий тушунчалар ва иборалар, хулосалар, топшириқлар билан танишиб, бу топшириқларни бажаришга ҳаракат қиладилар.

“On-line” тринажёрда мультимедияли лавҳаларни намоён қилган ҳолда талабаларни самарали билим олишини ҳамда оддий инструктрлашда консультантлаштиришга ўтишни таъминлаш лозим.

“Транспорт воситаларининг конструкциялари” фанидан талабаларга автомобил конструкциясига оид бўлган маълумотларни “on-line” тринажёрда анимация, овоз орқали, намойиш этиш орқали талабаларнинг фанга бўлган қизиқишни ошириш орқали талабаларда кўникмалар ҳосил бўлади. “Транспорт воситаларининг конструкциялари” фанининг дарс машғулотларини комьпютер технологиялари орқали ўтиш қўйидаги жиҳатлар билан самаралидир:

- ўқувчиларни комьпютер технологияси билан яқиндан таништириш, компьютер саводхонлигини ошириш;
- тарнспорт воситалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, қайта ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва янгиликлар киритиб бориш;
- фан билан яқиндан таништириш, интеллектуал қобилиятни ривожлантириш, тасаввур доирасини кенгайтириш;
- диққатни жамлаш имкониятни кенгайтириш;
- ДТС талабларини бажариш;
- интерфаол методларни қўллаш.

Шунингдек, транспорт воситаларинг умумий тузилишини қуйдагича асосий бўлимларга бўлиб ўрганиш мумкин.



Комьпютер технологияларини қўллаш асосида ўқувчиларда комьпютер технологияларини билиш самарадорлиги ошади. Слайдлар ва мультимедиялар асосида ташкил этилган дарс жараёнида интеграцияни юзага келтириш имкониятлари кенгаяди.

Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, талабаларга фанларни ўқитишда иложи борича кўпроқ ахборот технологияларидан фойдаланишлари, амалий машғулотларда электрон дарсликлардан ва тақдимотлардан фойдаланиб дарс самарадорлигини ошириши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигига эришиш учун кўпроқ дарс жараёнида мультимедия технологияларидан, электрон дарсликлардан ва тақдимот дастурларидан фойдаланиш талабаларнинг информацион маданиятини шакллантириш дарснинг сифатини янги ахборот технологиялари ёрдамида ишлаб чиқиш мукаммалигини ошириш, уларнинг билиш ва педагогик маҳоратини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, фанни ўқитишда талабаларнинг компьютер саводхонлигини, маданиятини кўтаришдаги савиясини оширишдаги малакаларини юксалтиради. Олий таълим муассасаларида асосий эътибор талабаларга зарур бўлган билим, янгиликлар ва шу билан бирга ахборот технологияларидан фойдаланишлари учун шароитлар яратиб бериш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2019 йил 8 октябрдаги) ПФ-5847-сон Фармони.

2. Толипов Ў. Қ., Рахманов Ф. Г. Виртуал тренажёр истиқболли ўқув воситаси сифатида // Фан, тараққиёт ва ёшлар: Анъанавий илмий-амалий конференция материаллари. III- қисм. – Қарши: ҚДУ, 2006. –Б. 171-173.

3. Толипов Ў. Қ., Рахманов Ф. Г. Касбий таълимда тренажёрдан фойдаланиш методикаси // Касб таълими – сифат босқичида: Республика илмий-амалий, услубий анжуман материаллари. – Қарши: ҚДУ, 2003. – Б. 110-111.

93.	**Эргашев Б.Б. (НМТИ)** Профессионал таълим тизими битирувчиларининг рақобатбардош бўлиши учун педагогик компетентлик ва креативликни ривожлантириш.....	287
94.	**Qarshiyeva B.F. (TerDU)** Texnika yo`nalishi talabalariga chet tilini o`qitishda billingual ta'limning xorijiy tajribasi tahlili.....	291
95.	**Mamatqulov I.Ch. (TerDU)** Tasviriy san`atning o`quvchilar ta`lim tarbiyasidagi roli va o`rni.....	294
96.	**Омонов Р.Ш (ТДПУ Термиз филиали)** Лойиҳалаш ва ақлий хужум методлари.....	297
97.	**Жалилов Э.Э. (ТерДУ)** Касбий таълим ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик жараёни.....	299
98.	**Turayev X.A (TerDU)** Bo`lajak chizmachilik fani o'qituvchilarini loyihalash kompetentligini rivojlantirish omillari.....	302
99.	**Қосимов Ш.У., (ТДПУ)** Назарий ва амалий касбий таълимнинг ўзига хос хусусиятла.....	305
100.	**Ташпулатов Б.Б., Эшбоева М. (ТерДУ)** Амалий машғулотларни "on-line" ўқитиш жараёнида инновацион тринажёрдан самарали фойдаланиш.....	308
101.	**Неъматжонова Ю.Ў. (ТДПУ Термиз филиали)** Масофавий таълимда педагогик компетенциянинг аҳамияти ва вазифалари.....	311
102.	**Kurbanov A.T. (TerDU), Qurbonov X.A. (TDTU Termiz filiali)** Qurilish konstruktsiyalarida ustuvorlikning dolzarbligi.....	315

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Муҳаррирлар: Т.Мустафоев, З.Рахимова, А.Х. Муратов
Мусаҳҳих: А.Л. Комилов, Б.Б. Ташпулатов
Техник муҳаррир: А.Бўриев
Компютерда саҳифаловчилар: Э.Э. Жалилов, А.Холов, Ш.С.Курбонов, О.Суюнов

Теришга 10.04.2021 йилда берилди. Босишга 14.04.2021 йилда рухсат этилди. Офсет қоғози. **Time New Roman Uz** гарнитураси. Шартли босма табоғи 20,38.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:
Термиз давлат университети нашр-матбаа босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй